



O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

SHU AZIZ
VATAN —
BARHAMIZNIKI!

• 2010-yil • 2-fevral • Seshanba • 14 (30.134) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqqan boshlagan

«Partiyalar ўртасидаги баҳс-мунозаралар жиддий, профессионал ва амалий негизда олиб борилиши даркор. Айнан шунинг учун ҳам сиёсий партиялар ўз электоратини ўйланттираётган социал-иқтисодий муаммоларни янада чуқурроқ ўрганишга ва уларни ҳал этиш бўйича зарур чораларни кўришга бутун диққат-эътиборини қаратиши керак».

Муносабат

Депутат фаолияти

жуда катта ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга

Парламентимиз икки палатали этиб шакллантирилганидан сўнг ўтган давр бу ташаббус ўз вақтида нақадар тўғри бўлганини исботлади. Лекин унинг фаолияти ҳақиқатан ҳам замон талаблари даражасида бўлди, дея олмаймиз. Президентимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма мажлисида бу масалага алоҳида эътибор қаратди. Парламент фаолиятини танқидий нуқтаи назардан таҳлил қилди. Давлатимиз раҳбарининг ҳақиқий эътирозига сабаб бўлган масалалардан бири парламент етарли даражада фаоллик кўрсата олмаганидир. Ҳақиқатан ҳам, пар-

ламент куйи палатасининг мустақил равишда ишлаб чиққан узоқ муддатли иш режаси йўқ эди. Шунингдек, иқтисодий-ижтимоий масалаларни ҳал қилишга қаратилган қонунларни қабул қилишда ҳам фаоллик кўрсата олмадик. Қабул қилинган қонунлар сифати ҳам бугун ҳаётнинг ўзи олдимизга қўяётган талаблар даражасида, деб бўлмайди. Уларда бошқа қонун ҳужжатларига ҳавола этилган нормалар кўплаб учрайди. Бу эса ўз навбатида уларнинг ижросини таъминлашда қийинчилик туғдиради.

2-бет >>>



Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракция аъзолари ҳамда Марказий Кенгаш экспертларидан иборат ишчи гуруҳи давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис палаталари қўшма йиғилишидаги маърузасидан келиб чиқиб, фракция фаолиятининг асосий йўналишларини ишлаб чиқмоқда.

— Ўтган беш йил давомида биз биринчи бор парламент куйи палатасида доимий, профессионал асосда фаолият кўрсатдик. Табиийки, бу жараёнда ўзига хос тажриба тўпланди. Таҳлил этадиган бўлсак, фракциямиз фаолиятида камчиликлар оз эмас. Бугун Президентимиз илгари сурган устувор вазифаларга, ўтган чақирқиди хатоларимиз-



Абдусиёв ҲАЙДАРОВ олган суратлар.

ни такрорлашмасликка алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Биз тайёрлаётган ҳужжатда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами манфаатларини янада

самарали ҳимоя қилиш ва бошқа масалалар билан боғлиқ аниқ вазифалар белгилаб олинади, — дейди депутат Фахриддин Ражабов.

2010 йил — Баркамол авлод йили

Баркамол авлодга қанот бераётган илм маскани

Мамлакатимиздаги энг йирик олий ўқув юрти Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети мақомини олганига ўн йил тўлди

Илму маърифат, таълим-тарбия жамият тараққиётини белгилайдиган энг қудратли омиллардан. Истиқболнинг дастлабки йилларидан Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз мустақил тараққиёт йўлини давом эттиришга қодир, замон талабига жавоб бера оладиган мутахассис кадрлар тайёрлаш масаласига устувор аҳамият берилаётгани бугун ўзининг юксак самараларини бермоқда. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилган «Таълим тўғрисида»ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида ташкил этилган улуксиз таълим тизими, ҳар томонлама билимни, интеллектual салоҳияти, маънавияти юксак, баркамол

авлодни шакллантириш механизми мамлакатимизда кучли демократик давлат барпо этиш ва ривожлантиришнинг муҳим омилли бўлиб хизмат қилмоқда. Бу эзгу сазй-ҳаракатларда, етук мутахассис кадрлар тайёрлашда нафақат мамлакатимиз, балки минтақамиздаги энг кўна билим даргоҳларидан бири — Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг алоҳида ўрни бор. Миллий университет ректори, Олий Мажлис Сенати аъзоси, профессор Фафуржон МУҲАМЕДОВ билан УЗА мухбирининг сўхбати шу ҳақда бўлди.

4-бет >>>

Сайлов сабоқлари

Бизга қандай етакчилар керак?

Мамлакатимиз сиёсий ҳаётидаги муҳим воқеа — сайловлар натижалари аҳоли ўртасида ҳамон қизгин муҳокама этилмоқда. Сиёсий партиялар фаолияти, имконияти ҳақида турли фикр-мулоҳазалар билдирилмоқда. Дарҳақиқат; бу галги сайловлар халқимиз сиёсий, ҳуқуқий фаоллиги сезиларли даражада ошганлигини намоён этди.

2-бет >>>

ЎЗДП «Истиқбол» ёшлар қаноти

Энг катта ишонч, мадад ва таянч

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ҳамда «Истиқбол» ёшлар қаноти ташаббуси билан Тошкент педагогика коллежида учрашув бўлиб ўтди. Коллеж ўқитувчи-мураббийлари ва талабалари иштирок этган тадбир «Баркамол авлод — юрт келажаги» деб номланди. Унда ёш авлод тарбияси, уларнинг етук инсон бўлиб вояга етишиши учун яратилган шарт-шароитлар ва бундан самарали фойдаланиш ҳақида сўз юритилди.

2-бет >>>



Шаҳарча қад ростлаяпти

Вобкент туманида Паноб шаҳарчаси бунёд этилмоқда.

— Бу шарафли вазифани зиммамизга олганимиз боис ҳар бир дақиқани қадрляймиз, — дейди «Вобкентбунёдкортаъмир» масъулияти чекланган жамият раиси Бахтиёр Аслонов. — Ўтган йилнинг охирида қурилиши бошланган 20 та уй-жой яқин орада ўз эгаларига топширилади. Бундан ташқари лойиҳага кўра, яна 34 та уй-жой қурилиши давом этмоқда. Мазкур шаҳарча қурилишида «Вобкентпаноҳ-қурилиш» масъулияти чекланган жамият жамоаси ҳам жонбозлик кўрсатмоқда. Улар кучи билан 3 ва 4 хонали замонавий 25 та уй қад ростламоқда. Шу билан бирга шаҳарчада ижтимоий аҳамиятга молик объектлар ҳам биринкетин буй кўрсатмоқда. Шунингдек, шаҳарча ҳудудига ичимлик сув ва газ қувурлари тортиляпти.

Даврон БАҲРОНОВ

Ўз мухбирларимиз хабар қилади

Уй тўйлари яқин

Наманган туманининг Хонобод қишлоғига қарашли қисмида коттеж типдаги бир ва икки қаватли уйлар қурилиши поёнига етмоқда.

Хозиргача 27 та коттеж қуриб битказилди. «Қишлоққурилиш-инвест» инжиниринг компанияси бунёдкорлари томонидан барпо этилаётган иморатлар шинам шаҳарчага асос бўлади. Шаҳарча қурилишининг иккинчи босқичида яна 28 та коттеж барпо этилади. Уларнинг қурилиши ҳам бошлаб юборилди. Янги коттежлар учун харидорлар оз эмас. Янги уйлар учун олдиндан 17 фоизли тўлов амалга ошириб бўлинди. Наврўз байрами арафасида ҳовли тўйлари бўлиб ўтади.

Носиржон ДҲҚОНОВ

«Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон» темир йўли фойдаланишга топширилиши билан Сурхондарё вилоятида ўзига хос қўшмача имкониятлар юзага келди. Қишлоқ ҳўжалиги, саноат, ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун қўлай шароит пайдо бўлди. Янги иш ўринлари кўпаймоқда. Жанубдаги ерости конларини ўзлаштириш ишлари ҳам авж олди.

Қўҳитангда янги корхона

Бугун Хонжизадаги бебаҳо бойликларни қаниб олиш изчиллик билан давом эттириляпти. Шеробот туманида Жанубий Корея билан ҳамкорликда умумий қиймати 300 миллион долларни ташкил этадиган цемент ишлаб чиқарувчи корхона барпо этилмоқда. У шу йил фойдаланишга топширилади. Натияжада минг нафар киши ишли бўлади.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ

Иш ўринлари кўпаяди

— Бозор иқтисодиёти шароитида ички бозорни сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш, буюртмачилар талаб ва истакларини қондиришга ҳаракат қилаяпмиз, — дейди Самарқанддаги «Эл Холдинг» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Инъомжон Шокиров. — Муҳандис-техник ходимлар билан ҳамкорликда 3 гилдиракли мотоцикллар тайёрлашни йўлга қўйган эдик.

Хозир қарийб барча вилоятлардан бундай мотоциклларга буюртма бор. Корхонада, шунингдек, мева-сабзавот маҳсулотларини қуритишга мўлжалланган ускуна, енгил автомобиллар учун тиркамалар ҳамда кўчма автодўконлар ишлаб чиқариш режалаштириляпти.

Мазкур лойиҳалар жорий этилса, иш ўринлари янада кўпаяди.

Абдували ХУДОЁРОВ

Зангиота тумани ўқувчилари Баркамол авлод йилида ажойиб соғва олинди. Янгидан тикланган кўркам бинода замонавий болалар ижодиёти маркази очилди.

Болалар ижодиёти маркази

— Марказимизда дастлабки кунлардан бошлаб яқин атрофдаги мактабларнинг ўқувчилари ўз қизиқишларига қараб 17 та тўгарак машғулотларига қатнаша бошлашди, — дейди тўгарак раҳбари Малика Алимухамедова. — Хозир 500 дан зиёд ўқувчи гиламдўзлик, тикувчилик, ракета, самолёт ва бошқа тўгараклар машғулотларида қатнашаётди.

Марказда болалар мойбўёк, миниатюра санъати, ҳайкалтарошлик, ёгон ўймакорлиги, расомчилик сирларини ҳам ўрганишяпти. Қизиқишга кўра, ошпазлик, сартарошлик касбларини эгаллаш мумкин.

Жўра САЪДУЛЛАЕВ

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT
XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

БАНДЛИК ВА ИШСIZЛИК

3



УЮШГАН ЖИНОЙ ГУРУХ

4



Депутат фаолияти

жуда катта ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга

(Давоми. Боши 1-бетда)

Парламент нафақат қонунларни қабул қилиш, балки, улар ижросини назорат-таҳлил қилиш юзасидан ҳам муайян ҳуқуқга эга. Биз амалдаги қонун ҳужжатларининг ижро этилишини ўрганиб, чиқарилган ҳулосалар асосида қонунлар ва бошқа ҳужжатларни такомиллаштириш устида ишлашимиз зарур. Белгиланган қайси бир норманинг ҳаётдаги ижроси қийин кечаётганини аниқлаб, уларни бартараф этишимиз, бошқа қонунларда бундай ҳатога йўл қўймаслигимиз талаб этилади. Аммо тан олиб айтиш кераки, парламент фаолиятининг энг асосий йўналишларидан бири бўлган назорат-таҳлил ишлари самарали бўлмади. Амалдаги қонунлар билан берилган бу борадаги имкониятлардан биз унумли фойдалана олмадик.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг регламентиди депутатларнинг сайловчилар билан ҳар чоракнинг охириги бир ҳафтаси давомида учрашувлар ўтказиши белгиланган. Қуйи палата депутатлари жойларда ўз сайловчилари билан мунтазам учрашиб турдилар. Бирок бундай учрашувларда сайловчиларга ахборот бериш билан чегараландик. Сайловчиларнинг фикр-мулоҳазаларини ўрганиш ва уларни ишлаб чиқариётган қонунлар лойиҳаларида акс эттириш масаласида сусткашликка йўл қўйдик. Натигада амалиётга зудлик билан тadbир этиш лозим бўлган қонунларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёни ортага сурилди. Бунга объектив эмас, балки кўпроқ субъектив ҳолатлар сабаб бўлди.

Утган даврдаги фаолиятимиз шунинг кўрсатиши, парламентнинг самарали фаолият юритиши энг аввало унинг халқ билан ўзаро муносабати қай даражада мустақамлигига бевосита боғлиқ. Демак, халқ ва депутатнинг бир-бирига бўлган ишончи парламент иши самардорлигининг гаровидир.

Шундай экан, парламентнинг халқ билан, шунингдек, сиёсий партиялар ҳамда депутатларимизнинг ўз сайловчилари билан янада яқин алоқада бўлиши Олий Мажлис чиқариётган қонунлар мукамал бўлишига хизмат қилади.

Бугун биздан берилган ҳуқуқ ҳамда ваколатлар, имкониятлардан оқилона фойдаланиш талаб этилмоқда. Президентимизнинг танқидий-таҳлилий мулоҳазаларидан ҳар бир депутат, ҳар бир сенатор ўзига ҳулоса чиқариб, фаолиятини шу асосда ташкил этиши зарур, албатта. Бошқа соҳа вакиллари билан фарқи равишда парламент аъзоларининг фаолияти жуда катта ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга. Улар қабул қилаётган қонунлар ҳар биримизнинг ҳаётимизга дахлдордир. Шундай экан, бу ишонч оқлаш учун бутун кучимизни, билимимизни сафарбар этишимиз зарур.

Абдуманноб РАХИМОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг
Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари
қўмитаси аъзоси,
ЎзХДП фракцияси аъзоси.

Бизга қандай етакчилар керак?

(Давоми. Боши 1-бетда)

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг 27 январь куни бўлиб ўтган қўшма мажлисида Президентимиз «Бўлиб ўтган сайловлар аҳолимизнинг юксак ижтимоий-сиёсий маданиятини, унинг сиёсий ва фуқаролик онг даражаси тобора ўсиб бораётганини, сайловчилар мамлакатни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш жараёнини чуқурлаштириш йўлидан изчил илгарилаб бораётганимизни кенг қўллаб-қувватлаётганини намойиш этди», дея алоҳида таъкидлади. Дарҳақиқат, «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун, сайлов қонунчилиги киритилган охириги ўзгаришлар сиёсий партиялар ўртасида кучли рақобатни таъминлади.

Мазкур сиёсий жараён ҳуқуқшунослар, сиёсатчилар, партияларнинг етакчилари томонидан ҳар жиҳатдан таҳлил қилинади, ҳулосалар чиқарилади, келгусидаги вазифалар белгилаб олинади, албатта. Аммо бир масала аён.

Қаерда, яъни қайси туман, шаҳар ёки вилоятда партия ташкилотлари амалий иш билан кўпроқ шугулланган, одамлар ишончли қозонган бўлса, ўша ҳудудда партияимиз тарафдорлари кўпчилиги сайлов натижалари кўрсатади.

Масалан, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига бўлиб ўтган сайловда Тошкент вилояти бўйича тўрт нафар номзодимиз галабага эришди. Халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашидаги партияимиз депутатлик гуруҳи аъзолари 29 нафарни ташкил этмоқда.

Вилоят бўйича халқ депутатлари шаҳар ва туман Кенгашларига сайланган 601 нафар депутатдан 290 нафари Ўзбекистон Халқ демократик партияси вакиллари. Айниқса, бу борада ҳамжиҳатлик ва масъулият билан иш олиб борган партия кенгашлари фаолияти тубайли халқ депутатлари Пскент туман Кенгашида 24 нафар, Охангарон, Бекобод шаҳар Кенгашларида 20 нафардан, Зангиота туман кенгашида 19 нафар, Бўстонлик ва Қиғрай туман кенгашларида 17 нафардан иборат депутатлик гуруҳлари фаолият кўрсата бошлади. Оқўрғон, Бекобод, Ўрта-чирчиқ туманларида эса жами сайланган депутатларнинг ярмини партияимиз вакиллари ташкил этди.

Таъриба шунинг кўрсатмоқдаки, партия ташкилотининг таъсир кучи, нуфузи кўп жиҳатдан унинг етакчи-

лиги боғлиқ. Сайловдан сайловгача бўлган даврда қайси партия ташкилотлари раҳбари жон куйдирган, ташаббускорлик кўрсатган, ишни тўғри ташкил этган бўлса, айнан ўша жойда сайловда муваффақиятга эришдик. «Ўзметкомбинат» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасидаги бошланғич партия ташкилоти атрофида бирлашган фаолларимиздан ўн нафари халқ депутатлари вилоят ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига сайланди. Бу корхонада партия электорати манфаатларини ҳимоя қилиш, ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш ва бошқа масалаларда, умуман, корхона, жамоа ҳаётида партия ташкилотининг алоҳида ўрни борлигини кўрсатади. Бошланғич ташкилот етакчиси Акбарали Абдувалиев олиб бораётган сиёсий-ташкилотчилик ва маънавий-маърифий ишлар партия аъзолари, корхонанинг бошқа ходимларини нафақат ишлаб чиқаришда ибрат кўрсатишга, балки ижтимоий-сиёсий жиҳатдан ҳам ўзини кенг намоён этишга ундамоқда.

Ёки Охангарон туман марказий шифонасидаги бошланғич ташкилот фаолиятини олинг. Бугун у ўз сафидида 384 нафар партия аъзосини бirlаштириб турибди.

— ХДПчилар аҳолининг саломатлигини сақлаш, ёш авлодни тарбиялаш йўлидаги саъй-ҳаракатлари билан намуна бўлаётди, — дейди партия етакчиси Анорбой Алимқулов. — Уларнинг ҳар бири сайлов кампаниясидаги тарғибот-ташвиқот ишларида алоҳида фаоллик кўрсатиб, аҳолига партияимизнинг роляларини дастурий вазифаларини кенг тушунтиришда ҳамжиҳатлик билан иштирок этишди. Натигада халқ депутатлари 16 туман Кенгашига сайлов ўтказилган 16 та округда партияимиз кўрсатган номзодлар ғолиб чиқишди.

Бундай чинакам жонқуярлар, фидойи инсонлар етакчилик қилаётган партия ташкилотлари оз эмас, албатта.

Аммо қаердаки туман, шаҳар партия кенгашлари, айниқса, бошланғич ташкилотлар фаолияти суст бўлса, қайси ҳудудда партия ташкилотларимиз етакчилари лоқайд фаолият кўрсатган бўлса, сайлов жараёнида ўша ерда имконият бой берилганини ҳам тан олиш зарур.

Демак, бугун етакчиларимиз истеъдоди, қобилияти, лидерлик салоҳиятига баҳо беришда сайлов натижалари асосий мезон ҳисобланади.

Сўнгги беш йил давомида партияимиз сафларини мустақамлаш, муносиб етакчилар тайёрлаш бўйича

кўп ишлар қилинди. Буни ЎзХДП Тошкент вилоят кенгаши фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин. Кўпгина бошланғич ташкилотлар ва туман кенгашлари раҳбарлари алмаштирилди. Депутатларимиз, партия ташкилотлари етакчилари сиёсий билими, ташкилотчилик қобилиятини оширишга йўналтирилган тадбирлар изчил йўлга қўйилди. Депутатлик гуруҳлари фаолиятини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилди. Электорат муаммоларини ўрганиш ва одамлар орасига чуқурроқ кириб боришнинг муҳим воситаси бўлган Жамоатчилик қабулхоналари фаолияти такомиллашиб бормоқда.

Мамлакатимиз Президенти халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессиясида депутатлик гуруҳлари, партия ташкилотлари фаолиятини кучайтириш зарурлиги ҳақида гапириб, ўз фикрини очик айтиш, баҳс-мунозараларни чўчимасликни уқтирдилар. Вилоят ёки туман ҳокимининг ноҳўя ишлардан тийилиб, ўз хизмат вазифасини, зиммасидаги бурчини доимо ёдда тутиб, қонун доирасида ишлашда кенг жамоатчилик, партияларнинг ўз ўрни ва таъсири бўлиши лозимлиги таъкидланган эди. Бирок, вилоятдаги барча туман ва шаҳар партия кенгашлари раҳбарлари бундан тегишли ҳулоса чиқариб олдилар, деб айта олмаيمиз. Бунинг оқибати сайлов жараёнида юзага қалқиб чиқди.

Мисол учун, Янгийўл шаҳар ва Бўка туман партия кенгашлари раҳбарларининг сусткашлиги оқибатида бу ҳудудларда фақат беш нафардан партияимиз аъзолари маҳаллий Кенгашга депутат бўлдилар. Янгийўл туманида эса бу кўрсаткич саккиз нафарни ташкил этди, холос. Чиноз туманида ҳам мактовга лойиқ натижага эриша олмадик.

Ҳар қандай сиёсий ҳаракат замирида аниқ мақсад, муайян вазифа ётади. Уларни рўйбга чиқариш партия аъзолари, айниқса, етакчилари сиёсий билими, эътиқоди, курашчанлиги ва ташаббускорлигига боғлиқ. Утган сайлов натижалари чуқур таҳлил, аниқ ҳулосаларни талаб этади. Сайловлар пайтида қайси ҳудудда муваффақиятга эришган бўлсак, бунда ўша жойдаги партия етакчилари хизматини эътироф этмоқ керак. Қайси ҳудудда имкониятни бой берган бўлсак, бунга ҳам биринчи навбатда ўша ҳудуддаги партия етакчилари жавоб бериши, ўз фаолиятини танқидий баҳолаши ҳамда тегишли ҳулоса чиқариши зарур.

Жўра САЪДУЛЛАЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Қонун ва шарҳ

Мамлакатимизда давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасида улкан ислохотлар амалга оширилмоқда. Президентимиз таъбири билан айтганда «Мураккаб ўтиш даврида қабул қилинган қонунларнинг амалда бажарилишини таъминлай оладиган, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, сиёсий ва иқтисодий ислохотларни амалга оширишга қодир бўлган ижро ҳокимиятининг самарали тизими ва тузилмаларини яратиш муҳим аҳамиятга эга бўлди. Шу мақсадда туб маъмурий ислохотлар амалга оширилди».

Ижро ҳокимияти фаолиятининг ҳуқуқий асослари

1992 йил 8 декабрда Конституцияимиз қабул қилинди ва ҳукумат, унинг таркиби, таркибий тузилмалари, Бош вазир, Вазирлар Маҳкамаси тўғрисидаги қонун билан мустақамланди. Конституциявий даражада мустақамланди. Вазирлар Маҳкамасининг фаолиятини ташкил этиш тартиби ва ваколат доираси 1993 йил 6 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги қонун билан мустақамланди.

Конституцияимизга киритилган 2003 йил 24 апрелдаги ўзгаришлар асосида ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги қонуннинг 2003 йил 28 августда қабул қилинган янги таҳририда Вазирлар Маҳкамаси таркибига оид қоидалар янада аниқлаштирилди. Унинг натижасида Вазирлар Маҳкамасининг таркиби ихчамлаштирилди ҳамда ҳукумат аъзоларининг қабул қилинаётган қарорлар учун масъулияти оширилди.

2007 йилда Конституцияимиз Президент давлат бошчилиги эканини ва давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлашини белгилайдиган нормалар билан тўлдирди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат бошлиги сифатидаги функция ва ваколатлари сақлаб қолинди.

«Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонуннинг қабул қилиниши билан ҳукумат ҳамда Бош вазирнинг ижро ҳокимиятини амалга оширишдаги ўрни ва масъулияти оширилди, шу сабабли уларнинг ҳуқуқий мақоми мазмунан кенгайиб, янги босқичга кўтарилди.

Вазирлар Маҳкамасининг ваколатларини аниқлаштириш ҳамда давлат бошқарувида унинг ролини янада кучайтириш мақсадида қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6-моддасига ўзгаришлар киритиш ҳақида»ги Қонун моҳият эътибори билан раҳбар ходимларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, давлат бошқаруви органлари ҳайъатлари таркибини аниқлаш масалаларини ҳал этиш ва бу ишларни такомиллаштириш, тезкорликни оширишга қаратилган.

Амалдаги қонунга мувофиқ, вазирларнинг ўринбосарлари, давлат қўмиталари раисларининг ўринбосарлари ҳамда давлат бошқаруви бошқа органларининг раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Президентини томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

Таъриба шунинг кўрсатиши, ҳозирги вақтда давлат бошқаруви органлари бўлимиш агентликлар, қўмиталар, марказлар, инспекцияларнинг раҳбарлари ва раҳбар ўринбосарлари белгиланган тартибда келишилган ҳолда Вазирлар Маҳкамаси томонидан ҳам лавозимга тайинланади ҳамда лавозимдан озод этилади. Бу Вазирлар Маҳкамаси ролининг

кучайиши ва давлат бошқарувининг қатор органлари раҳбарлари ҳамда уларнинг ўринбосарларини лавозимга тайинлаш ҳамда лавозимдан озод этиш, шунингдек, бу органлар ҳайъатлари аъзоларини тасдиқлашга оид аниқлик киритилиши билан боғлиқдир.

Қонунга мувофиқ «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Қонуннинг 6-моддасига қўйидаги ҳолатларни мустақамловчи тегишли ўзгаришлар киритилди:

Биринчидан, амалдаги қонуннинг 6-моддаси тўртинчи қисмида «Вазирларнинг ва давлат қўмиталари раисларининг ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Президентини томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади. Давлат бошқаруви бошқа органларнинг раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Президентини томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилиниши белгилади» белгилаб қўйилди. Мазкур ўзгаришнинг амалдаги Қонун нормасидан фарқи шундаки, янги Қонунда тегишли давлат бошқаруви органлари раҳбар ходимлари ва уларнинг ўринбосарларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш билан боғлиқ ҳолатларнинг қонун ҳужжатларида бошқача тартиби бўлиши мумкинлиги ҳам назарда тутилмоқда. Амалдаги нормада эса вазирларнинг ўринбосарлари, давлат қўмиталари раисларининг ўринбосарлари ҳамда давлат бошқаруви бошқа органларининг раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарларини фақатгина Ўзбекистон Республикаси Президентини томонидан лавозимга тайинлаш билан лавозимдан озод қилиниши мустақамланган эди.

Иккинчидан, «Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан ташкил этиладиган ҳужалик бошқаруви органларининг раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси Президентини билан келишилган ҳолда тасдиқлаш» белгиланди. Ва нихоят, давлат бошқаруви органлари ҳайъатларининг аъзолари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан ташкил этиладиган ҳужалик бошқаруви органлари бошқарувларининг аъзолари Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланиши деб мустақамлаб қўйилди.

Раҳбар кадрлар ва уларнинг ўринбосарларини танлаш ва лавозимга қўйиши такомиллаштиришга қаратилган ушбу Қонуннинг қабул қилиниши Вазирлар Маҳкамаси зиммасига юклатилган вазифаларни амалга оширишда масъулиятни кучайтиради ҳамда ижро этувчи ҳокимиятининг барча бўғинларидаги раҳбар ходимлар ва кадрлар масаласига жиддий эътибор беришни тақозо этади.

Улугбек АЛОЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президентини
ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти етакчи илмий ходими.

Энг катта ишонч, мадад ва таянч

(Давоми. Боши 1-бетда)

— Мамлакатни демократик янгилаш ва модернизациялашнинг бугунги босқичида амалга оширилаётган ўзгаришлар самардорлиги кўп жиҳатдан ёшларга боғлиқ, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, тарих фанлари доктори, профессор Абдуғаффор Қирғизбоев. — Келажак — ёшларники. Бугун улар қанчалик кўп ўқиб, ўрганиб, илм чўққиларини забт этса, эртанги кун шунчалик нурафшон бўлади. Ёш авлодни маърифатли, зукко қилиб тарбиялаш масаласи, шубҳасиз, сиёсий партиялар зим-



масига ҳам масъулият юклайди. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партияимиз депутатлик гу-

руҳлари ёшлар орасида бўлиб, қизиқиб ва интилишлари билан яқиндан танишиш, уларни қийнаётган муаммоларни чуқур ўрганиб, мақбул ечимларини топиш устида ишлашни ҳам мақсад қилган.

— Юртбошимиз мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлар, жамият ривожига ҳақида тўхталар экан, бунда ёшлар иштироки, уларнинг олдиди турган вазифаларга ҳар доим алоҳида эътибор қаратади, — деди ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти марказий бошқарув раиси Акмал Умаралиев. — Президентимиз

таъкидлаганидек, «Инсон қалбига йўл аввало таълим-тарбиядан бошланади... Биз юртимизда янги авлод, янги тафаккур соҳибларини тарбиялашдек масъулиятли вазифани адо этишда биринчи галда ана шу машаққатли касб эгаларига суянмиш ва таянамиш...» Бу сўзлар сиз, бўлажак ўқитувчи-мураббийларнинг танлаган касбингиз нақадар масъулиятли, улуг ва шарафли, юксак мақомга эга эканини аниқлатади. Шунингдек, кўнглида ўзи ва юрт тақдирини учун масъулият туйғусини ҳис қилган, ўз олдига аниқ мақсад қўйган ёшларни кўпроқ изланишга ундайди...

Шунингдек, тадбир давомида ёшларни теран фикрлашга, ҳозиржавобликка, онгу тафаккурини шаклланишига туртки бўладиган интерфаол усулда баҳс-мунозара бўлиб ўтди. Коллеж ёшлари ўртасида спорт мусобақаси ўтказилди. Уч босқичдан иборат мусобақада иштирокчилар турли номинациялар бўйича ўз кучларини синдирилди. Мусобақа сўнггида ғолиблар эсалик совғалари билан тақдирланди.

Учрашувда ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Мухтасар Абдурахмонова иштирок этди ва сўзга чиқди.

Дилафрўз ЗАЙНИЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.
Абдвоси ХАЙДАРОВ
олган суратлар.

Олтинсой туманида 110 мингдан ортқ аҳоли истиқомат қилади. Истиқлол йилларда пуриқор тоғлар этагиди жойлашган ҳудудда кенг қўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Замонавий мактаблар, кўркам шифоналар, шинам лицейлар, ажойиб спорт иншоотлари, бетакор ва кўп қаватли уйлар бунёд этилди. Халқнинг турмуш фаровонлигини яхшилаш мақсадида бугун ҳам шу каби хайрли юмушлар изчиллик билан давом эттириляпти.

Бозор қурилиши бошланди

Бозорлар юрт кўрки, дастурхонлар тўкин-сочинлиги рамзидир. Яқингача ҳудудда бешта бозор фаолият кўрсатган бўлса, Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили охирида «Шакарқамиш» маҳалласида деҳқон бозори қурилиши бошланди. Янги маскан учун 1 гектар майдон ажратилган бўлиб, қурилиш ишлари жадаллик билан давом этмоқда. Бу ерда савдо ристалари, офис, талай дўконлар бунёд этилиши кўзда тутилган. 300 миллион сўмдан ортқ қурилиш ишлари амалга оширилгач, бозор жорий йилда фойдаланишга топширилади.
(Ўз мухбиримиз.)



— Ижтимоий ҳимоя —

Бандлик ва ишсизлик

унинг иқтисодий таъсири ҳақида

Бугунги кунда ишсизликнинг ортиб бориши ва уни бартараф этиш чора-тадбирларини топиш дунё миқёсида муҳим муаммолардан бирига айланган. Маълумки, ишсизлик инсоннинг нафақат моддий, балки маънавий жиҳатдан ҳам қашшоқлашувига олиб келади.

Ишсизлар меҳнатга лаёқатли аҳолининг иш билан банд бўлмаган қисмидир. Улар сонининг кўпайиши аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтожлигини ҳам оширади. Бу эса охири-оқибат ҳаётда кўпдан-кўп муаммолар йиғилиб қолишига сабаб бўлади. Ишсиз одам моддий жиҳатдан ўз эҳтиёжларини қондиришга қийналса, маънавий жиҳатдан боқимандаликка ўрганади. Бу ҳолат аҳоли турмуш даражасини пасайтиради, феолигини сусайтиради ва мамлакат иқтисодий таъсир салбий таъсир кўрсатади.

2007-2008 йилларда бошланиб, ҳамон давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида, ҳатто тараққий топган мамлакатларда ҳам ишсизлар сони кескин ортиши ва уларнинг иқтисодий ҳаётда катта зарар кўраётгани қузатилмоқда. Қаранг, Россия Федерациясида 2009 йил апрель ойида ишсизлар сони 200 минг кишига ортиб, 7,7 млн. кишини ташкил этди. Бу — ижтимоий фаол аҳолининг 10 фоизидан ортиги ишсиз, деган гапдир. Америка Қўшма Штатларидек ривожланган

мамлакатда бу кўрсаткич янада ташвишли. Меҳнатга лаёқатли аҳолининг ўн фоиздан зиёди, қарийб 30 млн. америкалик ишсиз. 2008 йил декабрида Японияда ишсизлик 4,4 фоизни ташкил этди. Мамлакатда бундай кўрсаткич кейинги 41 йилда қузатилмаган эди.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози юртимиз аҳолиси бандлигига ҳам таъсир кўрсатмай қолмади. Аммо бу сезиларли даражада кескин тус олмади. Масалан, 2007 йилда бу кўрсаткич 0,3 фоизни ташкил этган бўлса, 2008 йилда 0,4 фоизга етди. Албатта, бу — ижобий ҳолат. Бунга эришиш ўз-ўзидан бўлган эмас. Мамлакатимизда иқтисодий-ижтимоий ишсизлик олиб борилаётган ислохотлар, аҳоли турмуш даражасини яхшилаш ва унинг фаровонлигини оширишга қаратилган кенг кўламли эзгу ишлар тўғрисида 2009 йил апрель ойида ишсизлар сони 200 минг кишига ортиб, 7,7 млн. кишини ташкил этди. Бу — ижтимоий фаол аҳолининг 10 фоизидан ортиги ишсиз, деган гапдир. Америка Қўшма Штатларидек ривожланган



ликни таъминлаш ва аҳоли турмуш даражасини оширишга алоҳида эътибор берган: «Шу ўринда мамлакатимизда меҳнатни рағбатлантириш, иш ҳақини кўпайтириш ва аҳоли даромадлари ўсишини таъминлашга қаратилган сиёсатни амалга ошириш бўйича кўлга киритилган натижалар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман.

2008 йилда ўртача иш ҳақи бюджет ташкилотларида 1,5 баробардан зиёд, бугун иқтисодий бўйича эса 1,4 баробар ошди. Натижада ўртача иш ҳақи микдори 300 АҚШ долларидан ортиқ бўлди. Аҳолининг реал даромадлари эса йил давомида жон бошига 23 фоиз кўпайди.

Кунги кеча 2009 йил якуни ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисида қуйидаги маълумотлар келтирилди: аҳолининг реал

Эшлар орасида ишсизлар сони ортишининг олдини олиш мақсадида вилоятлар ва Тошкент шаҳрида йил давомида мунтазам равишда меҳнат ярмаркалари ташкил этиб келинади. Натижада 2008-2009 йилларда ўрта махсус ва олий ўқув юртлирини битирган ёшларнинг аксарияти иш билан таъминланди.

Айни пайтда ҳукуматимиз кичик бизнес ва тадбиркорликни, касаначиликни янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Натижада қўшимча иш ўринлари яратилиб, малакали кадрларга талаб ортиб бормоқда. Бу омиллар ишсизлар сонини камайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Дунёда бўлаётган бугунги ўзгаришлар биз ёшларни сабоқ чиқариб олишига ундайди. Нимага десангиз, келажак бизнинг қўлимизда. Шундай экан, халқимизга хизмат қилиш, Ватанимиз ободлигига муносиб ҳисса қўлиш учун «қўрқ билм олишимиз, ўз касбимиз сир-асрорларини пухта билишимиз талаб этилади. Шундангина халқимиз ишончини оқлагна қодир авлод бўлиб воёга етამиз.

Бекзод ҲАЙДАРОВ,
Турғунбой МАМБЕТОВ,
Тошкент молия институти талабалари.

Хорижда



4 мингга яқин муҳожир



мамлакатдан чиқариб юборилади

Польша маъмурияти Грузиядан нолегал тарзда келган 4 мингга яқин муҳожирни мамлакатдан чиқариб юбормоқчи.

Ўтган йил 15 декабрь куни Германияга йўл олган поезд Польшанинг Легниц темир йўл вокзалида Чеченистон ва грузиялик муҳожирлар томонидан эгалаб олинганлиги воқеаси уларни республикадан чиқариб юборишга асос бўлмоқда.

Гап шундаки, Польшанинг муҳожирлар марказларидаги шарафатдан норози бўлган бу хорижий муҳожирлар поезддаги жойларини чиптасиз эгаллаб олиб, баёнот беришган эдики, улар бу поездда Страсбургга бориб, инсон ҳуқуқлари бўйича Европа судига арз қилишмоқчи бўлишган.

«Кавказский узел» хабар қилишича, поездни эгаллаб олганларнинг умумий сони 158 нафар, улардан 64 нафари воёга етмаганлардир. Уларнинг мақсади Польшада яшаш эмас, балки Германия ва Европа Иттифоқининг бошқа давлатларида ишлашдир.

Оммавий норозиликлар

қамрови кенгайиб бормоқда

Яманининг жанубий музофотларида бошланган оммавий норозиликлар ўз миқёсини кенгайтириб, ўнлаб шаҳарларни қамраб олди, дея хабар беради «Аш-Шарк ал-Аусат» газетаси.

Норозилик намойиши иштирокчилари мамлакатнинг жанубий ҳудуди Яман Республикасидан ажралиб чиқишини талаб қилмоқдалар.

Яман ҳукумати юритаётган сиёсатга ва унинг бирлигига, яъни мамлакатнинг шимолий ҳудудлари билан ҳамкорликка қарши норозилик намойишларини «Жануб ҳаракати» блоки ташкиллаштирмоқда.

Яман хавфсизлигига раҳна солаётган «Ал-Қоида» халқаро террор ташкилоти фаолиятига қарши курашда Яман ҳукуматини қўллаб-қувватлаш, давлат парчаланганининг олдини олиш, вазият чигаллашишига қарши кечиктириб бўлмайдиган чоралар ишлаб чиқиш, террорчилик ҳаракатларига қарши курашда ҳаракатларни мувофиқлаштириш юзасидан яқинда Лондонда бўлиб ўтган халқаро конференцияда Яман вакиллари мамлакатда хорижий ҳарбий базалар яратилишига қарши чиқдилар. Агар бунга рухсат берилса, иккинчи Афғонистон воқеаси юзга келиши мумкинлигини алоҳида таъкидладилар. Яман маъмурияти мамлакатга 4 миллиард доллар миқдорда ёрдам кераклиги ҳақида баёнот берган бўлишларига қарамай, БМТ, Европа Иттифоқи, Жаҳон банки, Халқаро валюта жамғармаси, АҚШ, Россия, 6 та араб давлати ва бошқа ўнлаб мамлакатлар ташқи ишлар вазирлари иштирок этган бу конференцияда мазкур мавзу четда қўлиб кетди.

Британия Ташқи ишлар вазирлигининг расмий вакили Барри Марстиннинг айтишича, Яманда вазиятнинг бу даражада кескинлашуви мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий муаммолар бош сабабчидир. Айни пайтда мамлакатнинг 40 фоиз аҳолиси ишсиздир. Шунинг учун ҳам муаммонини ҳал этишнинг асосий омилларини иқтисодий соҳадан қидириш лозим.

Икки киши дорга осилди

яна тўққиз нафари...

Эрон суди 2009 йил июнда мамлакатда юзга келган оммавий тартибсизликларни уоштирганлигида айбонланган муҳолифатнинг 11 нафар аъзосини ўлим жазосига ҳукм этди. Ва яқинда улардан 2 нафари дорга осиб, қатл этилди. Улар мамлакатда ҳокимиятнинг ағдарилиши, монархия (ҳокимият бир кишининг — монархнинг қўлида бўлган давлат тузуми) давлатини тиклашга уринганлигида айбонланмоқдалар.

«ИСНА» АА хабар қилишича, қатл этилганлар иши ҳукм ижро этилишидан аввал апелляция суди томонидан ҳам кўриб чиқилган. У биринчи инстанция суди ҳукмини тўғри, деб топган.

Ўлим жазосига ҳукм қилинган яна 9 нафар муҳолифатчининг иши яқин кунларда апелляция судида кўриб чиқилади. Агар апелляция суди уларнинг айбини тўғри деб топса, улар ҳам қатл этилади.

Эслатиб ўтамиз: 2009 йил 12 июнда Эронда президент сайлови бўлиб ўтган, муҳолифат кўчаларда оммавий тартибсизликларни келтириб чиқарган ва ҳукумат қўшини билан бўлган тўқнашувлар натижасида 27 киши ҳаётдан қўз юмганди. Ушундан 4 мингдан ортиқ киши қўлга олинган ва улардан 300 нафари ҳануз қамоқда.

Жиззах вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси «Ўзбекистон овози» газетасининг 2010 йил 26 январдаги 11-сонига чоп этилган эълондаги «Жиззах шаҳридаги йилгун пунктини реконструкция қилиш» объекти бўйича қайталанган танлов савдосида иштирок этадиган пудратчи ташкилотлар мулофаа объектларини қуриш учун лицензияга эга бўлишлари шартлигини маълум қилади.

Корхоналар ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

ЗАРАФШОН ИРРИГАЦИЯ ТИЗИМЛАРИ ҲАВЗА БОШҚАРМАСИ ҚОШИДАГИ ГИДРОГЕОЛОГИЯ-МЕЛИОРАТИВ ЭКСПЕДИЦИЯСИ

қуйидаги иншоотларни тўлиғича қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШINI ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Лот №	Объект номи ва манзили	Бошланғич нархи ҚҚСсиз	Қурилиш мuddати
ЛОТ 1-4:			
Лот-1	Каттақўрғон туманидаги «Сариязқўл» зовурини тизимли таъмирлаш ва тиклаш ишлари	116 022 107 сўм	7 ой
Лот-2	Тайлоқ туманидаги «Қорасув бирлашма» зовурини тизимли таъмирлаш ва тиклаш ишлари	87 737 783 сўм	8 ой
Лот-3	Жомбой туманидаги «Човқабулоқ» зовурини тизимли таъмирлаш ва тиклаш ишлари	194 866 383 сўм	10 ой
Лот-4	Пайарик туманидаги «Тўртқўл» зовурини тизимли таъмирлаш ва тиклаш ишлари	120 630 261 сўм	9 ой
ЛОТ 1-4:			
Лот-1	Нуробод туманидаги «Кечкелди» зовурини тизимли таъмирлаш ва тиклаш ишлари	84 279 766 сўм	4 ой
Лот-2	Оқдарё туманидаги «Қият» зовурини тизимли таъмирлаш ва тиклаш ишлари	190 247 492 сўм	10 ой
Лот-3	Ургут туманидаги «Жозман» зовурини тизимли таъмирлаш ва тиклаш ишлари	50 112 184 сўм	4 ой
Лот-4	Пахтачи туманидаги «Тошқубур» зовурини тизимли таъмирлаш ва тиклаш ишлари	104 128 984 сўм	8 ой

Қурилиш ишлари Суғориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Савдо ташкилотчиси — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

Буюртмачи: Зарафшон Ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси қошидаги Гидрогеология-мелиоратив экспедицияси.
Манзили: Самарқанд шаҳри, Гагарин кўчаси, 73-уй, **телефон:** (8-366) 234-04-34.
Талабгор сифатида иштирок этаётган

корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдордаги айланма маблағнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибасига

ва кўникмаларга ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнаш-

чиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинмади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:

Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, корпус-2Д, 403-хона, тел: 231-13-51, факс: 233-32-00.

Танлов ҳужжатлари битта Лот тўпламининг қиймати — 70 000 сўм.

Оферталар савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази томонидан қуйидаги манзилда қабул қилинади: **Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, корпус-2Д, 403-хона. Тел: 231-13-51, факс: 233-32-00.**

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчиси тақдим этишнинг охири мuddати — оферталар очилиш кунини ва соатига.

Таклифлар (оферталар) очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб камида 15 кундан кейин қуйидаги манзилда: Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, Самарқанд вилоят ҳокимлиги биносининг кичик мажлислар залида соат 15:00 да ўтказилади.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналар раҳбарлари диққатига!

НОРИН — СИРДАРЁ ИРРИГАЦИЯ ТИЗИМЛАРИ ҲАВЗА БОШҚАРМАСИ ГИДРОГЕОЛОГИЯ-МЕЛИОРАТИВ ЭКСПЕДИЦИЯСИ

қуйидаги иншоотларга пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича очик танлов савдосини ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

№	Лот №	Иншоот номи	Бошланғич нархи ҚҚСсиз (сўм)	Қурилиш якунлаш мuddати (кун)
1	Лот-4.1	Наманган вилояти, Поп туманидаги хўжалиқлараро «Қоракалпоқ» зовур системасини таъмирлаш ва тиклаш (34,0 км)	90 123 046	96
2	Лот-4.2	Наманган вилояти, Поп туманидаги хўжалиқлараро «Аччиқўл» зовур системасини таъмирлаш ва тиклаш (29,0 км)	85 132 363	86
3	Лот-4.3	Наманган вилояти, Косонсой туманидаги хўжалиқлараро «Косонсой» зовур системасини таъмирлаш ва тиклаш (36,0 км)	75 995 523	100

Буюртмачи: Наманган шаҳри, Охунбобоев кўчаси, 68-уйда жойлашган Норин — Сирдарё Ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси Гидрогеология-мелиоратив экспедицияси. **Телефон:** (8-369) 226-38-34, 226-78-53.

Қурилиш ишлари Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш жамғармасидан ажратилган маблағ ҳисобидан амалга оширилади.

Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга жавоб беришлари керак: танлов савдо предметининг 20 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги айланма маблағига ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлигига, танловдаги иншоотга ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасига, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Маҳаллий ва хорижий қурилиш ташкилотлари танлов савдоларида қатнашаётганда танлов таклифларини баҳолашда маҳаллий талабгорларга қуйидаги нарх кўрсаткичлари ҳисобга олинади: қатнашчиларнинг танлов таклифларини баҳолаш ва ўтказишда хориж ишларини (хизматларини) таъминлаш бўйича танлов таклифлари берилганда хориж товарларини етказиб бериш учун қўшимча қиймат солиғидан қонун доирасида озод бўлган инобатга олинган ҳолда имтиёздан келиб чиққан фарқ миқдори берилган таклифга қўшимча равишда ҳисобланади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — **қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Наманган вилоят консалтинг марказига** қуйидаги манзил бўйича: **Наманган шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 22-уй, телефон/факс: (8-369) 226-14-50, 226-47-91** мурожаат қилиш мумкин.

Танлов ҳужжатлари битта тўпламининг нархи — 60 000 сўм. Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчиси тақдим этишнинг охири мuddати — оферталар очилиш кунини ва соати.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб ўн беш кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: **Наманган шаҳри, Охунбобоев кўчаси, 68-уй.**

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ватан ва миллат истикболи йўлида фидойилик кўрсатган тараққийпарвар аждодларимиз, зиёлилар ташаббуси билан 1918 йилда ташкил этилган мазкур зиё масканида мустақиллик шарофати билан ёш авлодга таълим-тарбия беришнинг бутунлай янги босқичи бошланди, — дейди Ф.Мухамедов. — Мамлакатимиз таълим тизими олдида кўйилган вазифаларни амалга ошириш, ривожланиб бораётган иқтисодий тармоқлари, демократия йўлидан бораётган жамиятимиз ҳаётининг барча жабхалари учун мутахассис кадрлар тайёрлашда университетимиз етакчи олий таълим муассасасига айланди. Президентимизнинг 2000 йил 28 январда қабул қилинган Фармонига мувофиқ мазкур олий ўқув юртига Ўзбекистон Миллий университети мақоми берилди.

Президентимизнинг қарори билан 2008 йилда юртимизда Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг 90 йиллиги кенг нишонланди. Шу муносабат билан пойтахтимизда ўтказилган халқаро конференцияда нафақат мамлакатимиз, айтилган минтақа ва жаҳон илм-фани ривожига Миллий университетимиз алоҳида ўрин тутиши таъкидланди.

Миллий университетда таълим тизимини, замонавий илм-фан соҳаларини ривожлантириш борасида эришилган натижалар хусусида ҳам тўхталиб ўтган.

Айни пайтда университетда 38 йўналиш ва 109 мутахассислик бўйича бакалавр ва магистрлик тайёрланмоқда. Дорилфунуннинг 13 факультетида ўн мингдан зиёд талаба давлат таълим стандартлари, таълим-тарбиянинг илгор ютуқлари асосида тахсил олоқда, юзлаб аспирант ва докторантлар илмий изланиш олиб бормоқда. Университетда фаолият кўрсатаётган мингга яқин профессор-ўқитувчининг йигирмадан зиёди академик, 200 нафардан ортиги фан доктори, қарийб 600 нафари фан номзоди экани ҳам унинг юқори маънавият далолати беради.

Ҳаётимизнинг барча жабхаларида амалга оширилаётган ислохотлар, янгиланиш жараёнларидан келиб чиқиб, университетда кадрлар тайёрлаш, жамиятнинг янги муҳим эҳтиёжлари учун мутахассислар етказиб бериш бўйича ёндашувлар ҳам такомиллашиб бормоқда. Бугунги тараққиётимиз учун устувор аҳамиятга эга биоинформатика, генетика, ахборот-коммуникация технологиялари, компьютер лингвистикаси, экология, социология, сиёсатшунослик каби бир қанча янги йўналишлар бўйича мутахассислар тайёрлаш йўлга қўйилди.



Мамлакатимиздаги энг йирик олий ўқув юрти Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети мақомига ўн йил тўлди

Баркамол авлодга қанот бераётган илм маскани

Айни вақтда университетда биология, кимё, геология, математика, физика, филология ва илм-фаннинг бошқа қатор замонавий соҳаларида фундаментал тадқиқотлар олиб борилмоқда. 16 илмий лаборатория ва ўндан ортиқ ўқув-илмий марказда профессор-ўқитувчилар, ёш олимлар ва иқтидорли талабалар замонавий илм-фан даражасида янги-янги ютуқларни қўлга киритаётган. Жумладан, ўтган ўн йил давомида университет илмий-тадқиқот бўлими томонидан юздан ортиқ гранти, ўнга яқин инновацион дастурлар орқали рақобатбардор, жаҳон андозаларига мос мавзуларда изланишлар олиб борилди.

Университетимиз олимларининг илмий-тадқиқот ишларидан қирқдан ортиғи ишлаб чиқаришга таъбиқ этилди. Ҳар йили амалий ҳамда инновация лойиҳалари доирасида мустақил тадқиқотлар ўтказилиб, ишлаб чиқариш корхоналаридан ўндан ортиқ буртма қабул қилинади.

Университет доценти Рустам Юсупов ва аспирант Эркин Эгамбердиев томонидан кашф этилган янги минерал Жаҳон минераллари номлаш номенклатураси ассоциацияси томонидан 2008 йилда рўйхатга олинди. Булар Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан университетимиздаги илмий мактаблар фаолиятини изчил давом эттириш ва такомиллаштиришга қаратилган улкан эътибор самарасидир.

Бугун ёшларимизнинг иқтидори, билим ва дунёқараши ҳар томонлама ошиб бормоқда. Бу борада олиб борилган ишлар ҳақида гапириб берсангиз.

Сўнгги ўн йил ичида 50 нафарга яқин талаба Ўзбекистон Республикаси Президенти ва бошқа нуфузли стипендиялар соҳиблари, Зуфия номидаги Давлат мукофоти лауреатлари бўлгани, ҳар йили ўндан ортиқ истеъодли йигит-қиз республика фан олимпиадасининг юқори ўринла-

рини қўлга киритаётгани ана шу эзгу саъй-ҳаракатлар туйғайди.

Механика-математика факультети 2-курс магистранти, Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси соҳиб Шерзод Муродов улاردан бири. У университетдаги илмий тажрибидан кенг фойдаланиб, математиканинг долзарб йўналиши бўйича илмий иш олиб бормоқда. Мазкур факультетда тахсил олаётган яна бир талаба — Рустам Турдубоев 2009 йилда Будапешт шаҳрида университетлар талабалари ўртасида ўтказилган халқаро математика олимпиадасида 2-ўрин соҳиб бўлди.

Илмий йўналишлар ва мутахассис-кадрлар тайёрлаш имкониятлари ҳам кенгайиб бормоқда. Университет ҳузурида Олий педагогика институти, Амалий физика илмий-текшириш институти, Олий адабиёт ҳамда Олий журналистика курслари, Ўқув-амалиёт, Иқтисодий тадқиқотлар, Амалий экология ва табиатдан умумий фойдаланиш марказлари, Маданият саройи фаолият кўрсатмоқда. Фундаментал фанларни чуқур ўрганишга иқтисослашган иккита академик лицей ҳам йили юзлаб иқтидорли ёшларга қанот бермоқда.

Университетимиз замонавий ускуналар билан жиҳозланган мустақим ўқув-илмий лаборатория базаси ва илмий кутубхонага эга. Унда 3 миллиондан ортиқ китоб мавжуд. Сўнгги йилларда университетимиз олимлари томонидан олтиндан ортиқ дарслик, беш юздан зиёд ўқув-усlubий қўлланма тайёрланди. Бошқа ўқув юртлари мутахассислари билан ҳамкорликда таълим тизимининг барча босқичлари учун икки юздан ортиқ дарслик ва ўқув қўлланмалари чоп этилди.

Университетимиз Франция, Бельгия, Чехия, Хитой, Германия ва Россия каби давлатлардаги етакчи илмий муассасалар билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган. Айни пайтда ўттиздан ортиқ мамлакатдаги университетлар билан

талаба, аспирант ва профессор-ўқитувчиларнинг ўзаро тажриба алмашуви, малака ошириш ва амалиёт ўташи йўлга қўйилган.

Маънавий-маърифий соҳада амалга оширилаётган ишларга ҳам тўхталиб ўтсангиз.

Ёшларга пухта билим берилган бир қаторда, интеллектуал салоҳиятини ошириш, маънавиятини юксалтириш, улар қалбида истиқлол гоғларига садоқат, ватанпарварлик ва фидойилик туйғуларини камол топтириш бугунги глобаллашув жараёнларида долзарб аҳамиятга эга.

Университетимизнинг Маънавият ва маърифат марказида талабалар билан мунтазам иш олиб борилиб, уларни юксак маънавиятли инсонлар этиб тарбиялашнинг самарали методик-усlubий йўллари ҳаётга изчил таъбиқ этилмоқда. Профессор-ўқитувчиларимиз томонидан Президентимиз Ислам Каримовнинг «Юксак маънавият — энгилмас куч» асарини барча олий таълим муассасаларида ўқитишни ташкил этиш бўйича илмий-методик қўлланма, электрон дарслик ишлаб чиқилди.

Талабаларда соғлом турмуш тарзи фалсафасини шакллантириш кадрлар тайёрлашнинг узвий қисмидир. Айни пайтда университетимизнинг 19 спорт секциясида йигит-қизлар спортнинг ўнлаб турлари билан шуғулланмоқда.

Айни кунларда университетимизга Миллий университет мақоми берилганининг 10 йиллиги муносабати билан кўплаб тадбирлар ташкил этилаётган. Ўқув-усlubий ва маънавий-маърифий йўналишда олиб борилаётган бундай тадбирлар мазмун-моҳиятига қўра ёшлар қалбида истиқлол гоғларига садоқат, ватанпарварлик туйғуларини тарбиялаш, жамиятнинг илмий-маданий салоҳиятини юксалтириш, таълим тизимини илгор илм-фан ютуқлари асосида такомиллаштиришга хизмат қилади.

Ў.А. МУХБИРИ
ХУСНИДДИН БЕРДИЕВ
СУХТАБЛАШДИ.

СПОРТ → СПОРТ



Дунё полвонлари Грецияда беллашди

Грециянинг Салоники шаҳрида дунёнинг ўттиз мамлакатидан каселган юз нафардан зиёд сара полвонлар иштирокида ўтказилган кураш бўйича VI халқаро Ислам Каримов аънаваный турнири муваффақиятли якунланди.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан халқаро майдонга чиққан ўзбек кураши бугун жаҳон мамлакатларида жадал ривожланмоқда. Дунё полвонлари спортининг бу тури бўйича жаҳон, қитъалар чемпионатлари, минтақавий ўйинлар ва нуфузли халқаро турнирларда голиблик учун куч синашмоқда.

Кураш халқаро ассоциациясидан маълум қилишларича, Олимпия ўйинлари ватани — Грецияда бўлиб ўтган VI халқаро Ислам Каримов аънаваный турнирида таниқли полвонлар уч вазн тоифасида гиламга чиқди.

Нуфузли мусобақада юртимиз шарафини химоя қилган жаҳон чемпиони, ёпиқ иншоотлардаги III Осиё ўйинлари голиби Шароф Холмаматов тўқсон килограммгача бўлган вазн тоифасида барча рақибларини энгиб, финалга чиқди. Ҳал қилувчи беллашувда мезбон курашчи — Моисис Илиадисни мағлуб этган ўзбек полвони олтин медаль билан тақдирланди. Ушбу вазнда беллашган яна бир ёш полвонимиз — Саид Темиров туркиялик Турсак Шахин билан бирга шохсупанинг учинчи поғонасини эгаллади.

Вазни етмиш уч килограммгача бўлган курашчиларнинг финал беллашувида грециялик Алексей Танасидис Туркиядан келган Танжу Сорлини энгиб, биринчи ўринни эгаллади.

Халқаро турнирнинг энг кескин ва муросасиз учрашувлари мутлақ вазн тоифасида бўлди. Финалда грециялик Василиос Илиадис ўз ҳамюрти Дионисис Илиадисни мағлубиятга учратди.

ЗОҲИР ТОШХЎҲАЕВ,
Ў.А. МУХБИРИ.

Жиноятга жазо муқаррар

Ўтган йилнинг бошларида Шўрчида кетма-кет юз берган жиноятлардан кўпчилик хавотирга тушиб қолган эди.

Уюшган жиноий гуруҳ фош этилди, тегишли жазога тортилди

Нижоят жиноятчилар қўлга тушди. Уюшган тўда аъзолари Баҳром Хўжамқулов, Холмурод Юсупов, Шерзод Холмуродов, Султонбек Умбаров, Аҳмад Мамаатраимов, Ўрал Мамаатраимовлар тоғни урсак талқон қиладиган ёшда эди.

2009 йилнинг 15 февралда Баҳром Хўжамқулов ва Холмурод Юсупов навбатдаги «операция»ни амалга ошириш учун Кумўрғон тумани сари йўл олади. «Ўзбекистон» фермерлар уюшмаси ҳудудда жойлашган пахта қабул қилиш пункти раҳбарни Бекназар Мўминовга ўзларини «Шўрчи туман ИИБ жиноят қидирув бўлими ходимларимиз», деб таништиради. Пункт бошлигини зудлик билан ИИБ бошлиги йўқлаётган эмас...

Улар «Нексия»да Шўрчи туман ИИБ-га эмас, «Жалоир» маҳалласида истиқомат қилувчи Баҳром Хўжамқуловнинг уйига келади. Овқатланиб бўлишгач, сохта жиноят қидирув бўлими ходими асл мuddаога кўчади: «Ака, пахта пунктларда бизини «доля» бор, бугун 7 миллион сўм топиб берасиз». Жабрдийда эътироз билдиради. Жалби чиққан ҳонадон эгаси дўқ-пўписа қилади. Ошпикочни бўзига тираб, «пул ёки ўлим», деб шарт қўяди. Жони халқумига келган «мехмон» бир ҳафта муҳлат беришларини ёлвориб, телефон орқали яқин дўсти Шерқобил Эргашевни чақиришга мажбур бўлади.

Нажоткор келгунга қадар устаси фаранг фирибгарлар пункт бошлигидан «Баҳром Хўжамқуловдан 7 миллион сўм қарздорман, пахта берман, деб олдим. Шу бугуннинг ўзида қайтариб берман», мазмуниди тилхат ёздириб, имзо қўйдириб олади. Сиеҳ тўкиб, тўрт жойга бармоқ изи бостирилди. Милицияга хабар берилса, бола-чақасига қийин бўлиши айтила-

ди. Қўркувга тушиб қолган Бекназар Мўминовнинг чўнтагидаги фуқаролик паспорти, «Ваз-2106» русумли автомашинанинг техник паспорти, ҳайдовчилик гувоҳномаси, талони, «Ваз-2101» уловининг эса техник паспорти олиб қўйилади.

Улар биргалашиб кўчага чиқишади. Шўрчи туманидаги тиббиёт коллежига яқинлашганларида олғирлар «ҳозирнинг ўзида пулни топиб берасиз», деб шарт қўяди ва Бекназар Мўминов чўнтагидан 1300 АҚШ доллари ҳамда ишчиларнинг иш ҳақига берилиши лозим бўлган 4 дона пластик карточкани олиб қўяди.

Бекназар Мўминов шу куннинг ўзида яна 4 миллион сўм қарз олишга мажбур бўлади. Шундай қилиб ҳамтоволқар унинг 8 миллион 909 минг 800 сўмининг мажбурлаб олади.

Шўрчи туманидаги «Гулистон» маҳалласида истиқомат қилувчи Шерали Нибёқулов 2008 йилнинг декабрь ойида Тошкент шаҳридаги уйини 35 минг долларга сотганди. Бунинг «ҳиди»ни олган ҳамтоволқар янги «ўлжа»ни «кўз ости»га олади. «Ўлжани»нинг уйига келиб 5 минг доллар «доля» берилмаса, Шералига қийин бўлишини айтиб қўрқитишади. Шералининг опаси Умидага ҳам зуғум ўтказишади: «Уканнинг биздан қарзи бор, уни ўлдирамиз».

Исканжада қолган опа-ука иймонсизлар қўлига 200 доллар бериб зўрға қутулади.

Ўзгалар мулкни ўзиникидек хис қилаётганлар жиноий ҳаракатларини давом эттирган ҳолда 8 апрелда яна «ов»га чиқишади. Бу галги нишон «Совжирон» маҳалласида истиқомат қилувчи Эшмамат Эшбоевга қаратил-



ди. Улар ўз мақсадларини амалга оширишда Янгибўй Равшановдан фойдаланди.

Янгибўй Равшанов 2009 йилнинг 15 январидан таниши Эшмамат Эшбоевга қўнғироқ қилиб, 400 минг сўм пул сўрайди. Эвазига 4 дона генератор олиб беришга ваъдалашилади. Орадан икки ой ўтсада, на пулдан, на генератордан дарак бор эди. Маълагдан айрилган Эшмамат Янгибўйни безовта қилавергач, у фирморлик йўлига ўтади. Бу ҳақда гуруҳга хабар етказилади. 2009 йил 8 апрель кеч соат 18-00 ларда Янгибўй Равшанов, Эшмамат Эшбоевга қўнғироқ қилиб, қарзни қайтармоқчилигини айтади.

Келишувга биноан Шерзод, Султон, Янгибўй ва Эшмамат ошхоналардан бирида тамадди қилади. Йўлда зўравонлар унга рўчка ва дафтар тутқазиб, «Берган пулларимни олдим...» мазмуниди тилхат ёздириб олади. Бу ҳам етмагандек, яна 500 минг сўм беришни талаб қилишади. 220 минг сўмлик «Нокция» русумли телефон, 7 минг 500 сўм пулни эса Баҳром Хўжамқулов олиб қўяди.

Зўравонлар қисқа даврга ана шундай жиноятлар содир этган. Уларнинг кингир ишларига қонун йўли билан чек қўйилди. Суд ҳукми билан Баҳром Хўжамқулов 12 йилга озодликдан маҳрум этилган бўлса, Холмурод Юсуповга 11 йиллик жазо тайинланди. Султон Умбаров тўрт, Шерзод Холмуродов эса етти йиллик умрини қамоқда ўтказадиган бўлди. Гуруҳнинг бошқа аъзоларига ҳам қонунда белгиланган жазолар қўрилди. Шундай қилиб, Шўрчидаги босқинчилар жиноий фаолияти барҳам топди.

АБДУМАНЛИК ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!
ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ
ҲОКИМЛИГИ ИНЖИНИРИНГ
КОМПАНИЯСИ

қуйидаги иншоотга пудратчи ташкилотни танлаш бўйича танлов савдосини эълон қилади:

Ғузур тумани, Янгикент қишлоғида 1000м³ (2 та 500 м³) сув йиғиш иншооти қурилиши (I-босқич).

Қурилишни тугаллаш муддати — 150 кун.

Бошланғич нархи: (ҚҚСсиз) — 334.596.751 сўм, (ҚҚС билан) — 401.516.101 сўм.

Буортмачи — Қашқадарё вилояти ҳокимлиги инжиниринг компанияси.

Манзили — Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, «Ўзбекистон овози» газетаси кўчаси, 3-уй.

Тел/факс: (8-375) 227-13-51, 227-18-51.

Қурилиш ишларини молиялаштириш — Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак: етарли касбий ва техникавий малакага, танлов савдолари предмети қўйиматининг камида 20 физик микродоридаги айланма маблағининг мавжудлиги ёки қўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк қафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, танловга қўйилган иншоотга ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ва ҳуқуқий лаёқат ваколатлари эга бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида маҳаллий ва чет эл қурилиш ташкилотлари иштирок этганда, уларнинг танлов тақлифлари баҳоланаётганда маҳаллий пудратчилар учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилган: офертларнинг танлов тақлифларини баҳоланда қонунчиликка мувофиқ қўшимча қиймат солиғини тўлашдан озод этилган импорт ишларини бажарувчи ва хизмат қўрсатувчи чет эл офертларининг тақлифларига қўшимча қиймат солиғи қўшиб ҳисобланади.

Танлов савдоларида қатнашиш ва танлов ҳужжатларини сотиб олиш учун сўровнома билан танлов савдолари ташкилотчиси — «Ўздавэрхитектурилиш» қўмитасининг капитал қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Қашқадарё вилоят ҳудудий консалтинг марказига мурожаат этиш мумкин.

Манзил: Қарши шаҳри, Хонобод шоссеси, 46-а уй.

Тел/факс: (8-375) 224-05-24, 224-09-06.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 70 000 сўм. Тақлифлар (оферталар)ни Аваз ташкилотчисига тақдим этишининг охири муддати — оферталарнинг очилиш куни ва соатига.

Тендер савдолари матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин «Буортмачи» биносида ўтказилади.

BOSH MUHARRIR:	
Safar Ostonov	
TAHRIR HAY'ATI:	
Abdulla Oriqov	
Latif G'ulomov	
Asliddin Rustomov	
Bobir Alimov	
Sharbat Abdullayeva	
Murodulla Abdullayev	
Ulugbek Mustafayev	
Tat'yana Kistanova	
(Bosh muharrir o'rinbosari)	
G'afur Hotamov	
(Bosh muharrir o'rinbosari)	
Muslihidin Muhiddinov	
Andrey Kustov	
Ochilboy Ramatov	
Saidahmad Rahimov	
MUASSIS:	
O'zbekiston Xalq Demokratik Partiyasi Markazi Kengashi	
BO'LIMLARI:	
Partiya hayoti	
2010-10-13	233-10-13
Madaniyat va sport	
2010-09-25	233-69-45
(Tel. Faks) 233-21-43	
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot	
2010-10-26	233-20-36
2010-09-25	233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot	
2010-12-16	233-12-56
Reklama va e'lonlar	
2010-08-55	233-38-55
2010-07-80	233-47-80
Mas'ul kotib	
2010-07-83	233-72-83
2010-05-17	236-55-17
VILOYATI MUXBIRLARI:	
Andijonda	
2010-05-27	25-32-70
Buxoroda	
2010-06-02	223-06-02
Gulistonda	
2010-04-25	25-46-45
Jizzaxda	
2010-04-27	227-48-35
Navoiyda	
2010-03-23	223-83-73
Namanganda	
2010-03-26	226-43-81
Nukusda	
2010-07-22	222-77-21
Samarqandda	
2010-02-35	35-02-55
Urganchda	
2010-03-30	517-30-58
Farg'onada	
2010-01-18	224-18-78
Denovda	
2010-03-28	8-37641-23-780
MANZILIMIZ:	
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.	
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz	
Navbatdagi: Ravshan SHODIYEV	
Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.	
Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV	
«Sharq» nashriyot-matbaa aktyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.	
Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.	
Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma tabaq. Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.	
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.	
Г — 50	
[6201 nusxada bosildi]	
t — Tijorat materiallari	
ISSN 2010-7633	